



РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШДА “Е-АУКЦИОН” ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев Алижон

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0000-4211-8144

yarashbayevich@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада ресурс солиқларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришда “Е-АУКЦИОН” тизимига интеграция қилиш аҳамияти ва маълумотларни ҳисобга олишни тезлаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигидаги ўрни тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: э-аукцион, ресурс солиқлари, ер солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ солиш объекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқ назорати.

ЗНАЧЕНИЕ ИНТЕГРАЦИИ СИСТЕМЫ «Э-АУКЦИОН» ПРИ РАСЧЕТЕ РЕСУРСНЫХ НАЛОГОВ

Абдуллаев Алижон

Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье рассматривается важность интеграции системы «Э-АУКЦИОН» для совершенствования системы учёта налогов на ресурсы, а также её роль в ускорении обработки данных и повышении эффективности налогового администрирования

Ключевые слова: электронный аукцион, ресурсные налоги, земельный налог, налог за пользование землей, налог за пользование водными ресурсами, объект и база налогообложения, налоговые ставки, налоговые льготы, налоговый контроль.

THE IMPORTANCE OF INTEGRATION OF THE “E-AUCTION” SYSTEM IN CALCULATING RESOURCE TAXES

Abdullaev Alijon

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article discusses the importance of integrating the “E-AUCTION” system in improving the accounting system for resource taxes, as well as its role in accelerating data processing and enhancing tax administration.

Keywords: e-auction, resource taxes, land tax, land use tax, water resource use tax, object and base of taxation, tax rates, tax benefits, tax control.

Кириш.

Ресурс сўзи тушунчаси тўғрисида бугунги кунда жамият ва бутун дунёда маълумотга эга бўлмаган бирорта қатлам қолмаган десак ҳам адашмаган бўламиз, бунинг сабаби бутун жаҳонда рўй бераётган воқеаларни замирида ресурслар жуда кўп тилга олинмоқда.

Ўз навбатида ресурсларни солиққа тортиш аҳамияти ҳам йилдан йилга долзарблашиб бормоқда, бугунги кунга қадар кўплаб олим ва изланувчилар томонидан ушбу мавзуда тадқиқот ва изланишлар ўтказилиб ижобий натижаларга эришилди. Тарихдан ҳам ресурсларни солиққа тортиш масаласи фақат давлат ғазнаси учунгина эмас балки рағбатлантириш сифатида ҳам қўлланилган.

Замонавий солиқ маъмуриятчилигида ахборот технологиялари ёрдамига солиқ солиқ объектларини ҳисобга олиш йилдан йилга такомиллаштирилиб борилаётганда, шу ўринда албатта кейинги йилларда ташкилотлар ўртасида маълумот алмашиш кўламининг ошиши бунга қатта туртки бўлди.

Барча корхона ва ташкилотлар учун маълумотлар базаси интеграцияси хизмат кўрсатиш сифати ошиши ва солиқ мажбуриятини ўз муддатида бажарилишига имконият туғдиради. Бугунги кунда қатор ушбу йўналишда бир қатор ўзгаришлар амалга оширилган бўлсада, мазкур йўналиш янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар шарҳи.

Ресурс солиқларини тўловчилар, солиқ солиш объекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, солиқ имтиёзлари ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари қонунчиликда тартибга солинган (Қонун, 2019).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (2020) асосан яширин иқтисодий ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «йўл харита»си тасдиқланган.

Шунингдек, Вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига «йўл харитаси»нинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида (2012) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий қилиш бошқармасининг асосий вазифалари қаторида солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, ҳисобланган ва тўланган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек улар бўйича имтиёзлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш белгиланган. Мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган идора ва ташкилот раҳбарлари зиммасига солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган маълумот ва бошқа ахборотлар тўлақонли ҳисобга олинишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган.

Бироқ юқоридаги қарор 2012 йилда қабул қилинган бўлсада, баъзи ташкилотларнинг маълумотлар базаси бугунги кунга қадар давлат солиқ хизмати органлари маълумотлар базасига интеграция қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ маъмуриятчилиги сўнгги йилларда инсон омилсиз назорат тизимини рағбатлантириш орқали коррупцион ҳолатларни чеклаш билан биргаликда солиқ объектларини ҳисобга олишнинг автоматлашган тизими орқали ижобий натижаларга эришилмоқда ва натижада солиқ ставкалари

камайтирилган бўлишига қарамасдан йилдан йилга давлат бюджети тушаётган тушумлари миқдори ошиши тенденциясини кўриш мумкин (Тошматов, 2020).

Ўзбекистон Республиканинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг (2017) 3-моддасида **манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият, деб таъриф берилган.

Шу билан бирга, юқоридаги қарорнинг 21-моддасида давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги кераклиги, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунида (1997) асосан давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига қўмаклашишлари шартлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 133-134-моддаларида органлар, муассасалар ва ташкилотларнинг солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Електрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни (2021) билан “Е-ижро аукцион” ягона электрон савдо майдончасини “Е-аукцион” электрон савдо платформаси деб қайта номлашга руҳсат берилган.

Ташкилот фаолиятини жорий этишдан асосий мақсад – юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига асосан аукцион (танлов) савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда қонунийлик ҳамда шаффофликни таъминлаш ҳисобланади. “Е-аукцион” электрон савдо платформаси қуйидаги йўналишлар бўйича аукцион (танлов) савдоларини ташкил этади ва ўтказади:

- Давлат мулки объектлари, улушлари ва ижараси;
- Ижро ҳужжатлари бўйича кўчмас мулк, автотранспорт, махсус техника ва бошқа мулклар;
- Бўш ер участкаларини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятига бериш;
- Қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер участкаларини бериш;
- Ер участкалари бериш ва яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;
- Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқларини бериш;
- Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

- Стратегик турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини жалб этиш бўйича;
- Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкаларини ажратиш бўйича;
- Айдар-Арнасой қўллар тизими контурларини бериш;
- Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) Ер участкаларига қуриш ҳуқуқи;
- Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) Давлат мулки бўлган бино ва иншоотларига қуриш ҳуқуқи.

Юқоридаги йўналишларга қараладиган бўлса асосан ресурс солиқларини ҳисоб олиш объектларини ташкил қилишини кўриш мумкин. Бундан шу масала аниқ бўладики, мазкур маълумотлар солиқ солиш ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни ҳисобга олишда асосий маълумотлар манбаси сифатида фойдаланиш орқали самарали солиқ маъмуриятчилигини юритишга эришилади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда илмий мушоҳада, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, абстракт-мантикий фикрлаш, индукция ва дедукция усулларида фойдаланган ҳолда ресурс солиқларини ҳисобга олиш маъмуриятчилигидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари бўйича фикр ва мулоҳазалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда идоралар ва ташкилотлар ўртасида маълумотлар алмашиш бўйича интеграцияларни мавжуд эканлиги манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олиш ва солиқларни ўз муддатида ҳисобланишига замин яратмоқда.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг ЖШШРлари ва Юридик шахсларнинг СТИРлари асосий идентификация рақами сифатида юритилгани каби ер ва мол-мулк объектларига кадастр кодлари ушбу вазифани бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сонли “Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори билан “Е-аукцион электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низомда кадастр кодлари асосий маълумотлар таркиби сифатида кўрсатилмаган.

Шунингдек, мазкур Низомнинг 45¹-бандида Кўчмас мулк объектларини сотиш бўйича расмийлаштирилган баённома Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига (кейинги ўринларда — Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармаси) Оператор томонидан «Е-аукцион» электрон савдо платформаси орқали юборилиши белгиланган бўлсада, банднинг охирида кўчмас мулк объектларини сотиш учун узоқроқ бўлган тўлов муддати назарда тутилган бўлса, баённома рўйхатдан ўтказиш учун Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармасига юборилмаслиги кўрсатилган.

«Е-аукцион» электрон савдо платформаси орқали 2023 йил давомида 258 415 та ҳолатда ер ва мол-мулк объектлари реализация қилинган.

t/r	Yo'nalishlar nomi	Davri	2023 yilda realizatsiya qilingan				
			soni	boshlang'ich narxi (mln.so'm)	tasdiqlangan narxi (mln.so'm)	ming kv.m	gektar
Jami:		Yil boshidan	258 415	6 011 782	8 691 212	754	202 768
shundan:							
1	Davlat ko'chmas mulki obyektlari va davlat ulushlari	Yil boshidan	810	1 976 113,7	2 276 452,2	754,1	4 109,90
2	Ustav fondida davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq bo'lgan Davlat ishtirokidagi korxonalar ko'chmas mulklarini va ulushlarini realizatsiya qilish	Yil boshidan	1 143	1 769 134,9	1 983 306,6		
3	Ustav fondida davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq bo'lgan Davlat ishtirokidagi korxonalarning boshqa mol-mulklarini realizatsiya qilish	Yil boshidan	3 158	270 857,7	317 881,9		
4	Ko'p qavatli uylar uchun yer uchastkalari huquqini realizatsiya qilish	Yil boshidan	713	53 110,9	278 712,4		70,12
5	Yakka tartibda uy-joy qurish uchun yer uchastkalari huquqini realizatsiya qilish	Yil boshidan	2 974	27 009,4	43 432,6		116,6
6	Dehqon xo'jaligi uchun yer uchastkalari	Yil boshidan	247 617	1 187 850,4	2 174 148,3		93 836,4
7	Qishloq xo'jaligi uchun yer uchastkalari	Yil boshidan	2 000	727 705,0	1 617 278,4		104 635

1-расм. «Е-аукцион» электрон савдо платформаси орқали реализация қилинган ер ва мол-мулк обектлари

Бундан кўриниб турибдики, ушбу маълумотларнинг кадастр органларини тақдим қилинмаслиги солиқ солиш обектларининг ўз муддатида инобат олинмасдан қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Албатта “Е-аукцион” электрон савдо платформаси Солиқ органлари билан интеграция қилиш натижасида солиқ солиш обектларини муддатида ҳисобга олишини таъминланади.

Солиқ органларининг марказлашган сервеслари имконияти кенглигидан фойдаланган ҳолда, маъсул ташкилотлардан тақдим қилинган маълумотларни “Е-аукцион” электрон савдо платформаси орқали келган маълумотлар билан солиштириб бориш орқали аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва солиқ тўловчиларни ўзи муддати солиқ мажбуриятидан огоҳлантирмаганлик каби муаммоларни олдини олиш мумкин бўлади.

Ташкилотлар ўртасида маълумотлар алмашинувида тўлақонли ахборот алмашишига эришиш орқали яшириш иқтисодиётни тартибга солиш ва давлат бюджетига солиқларнинг белгиланган муддатларда тушушига ҳамда солиқ солишнинг адолатлилик принципи таъминланилишига эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотчилар томонидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлилларнинг кўпчилигида умумий жумлалар билан интеграция қилиш ҳамда маълумот алмашишни йўлга қўйиш зарурлиги келтирилган.

Бироқ бунда айнан ушбу жараёни амалга оширишда қайси маълумотларни ҳисоб олишни кўрсатиб ўтилмаган, бунинг натижасида маълумотларни интеграция қилинганлиги керакли натижага олиш бормайди.

Бугунги кунда солиқ органлари ахборот тизимининг имкониятларидан келиб чиқилса, инсон омили қатнашмайдиган бизнес жараёнлари ҳиссаси олдинги даврларга қараганда бараварига ошганлиги кўриш мумкин.

Шу ўринда мол-мулк объектларида ҳисоб маълумотлари асосийларидан бири кадастр объекти қоди бўлиб, ушбу параметр уникал рақам ҳисобланади ва кадастр ҳамда солиқ органларида тизим ушбу қодни мослиги асосида ишлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Е-ауксион” электрон савдо платформаси Солиқ органлари билан интеграция қилишда кадастр қодлари бериш мажбуриятини юклаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Қарор (2012). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1843-сонли қарори, 30 октябрь.

Қонун (1997). Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги №474-І-сонли Қонуни, 29 август.

Қонун (2017). Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни, 3 январь.

Қонун (2019). Ўзбекистон Республикасининг 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

Қонун (2021). Ўзбекистон Республикасининг “Електрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги РҚ-5197-сонли Қонуни, 24 июл.

Тошматов Ш. (2020) “Рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар ва замонавий тўлов тизимларини ривожлантириш йўллари” Жамият ва бошқарув №3(89) мақола.

Фармон (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 октябрдаги ПФ-6098-сонли “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.